ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МУРАДУЛЛАЕВ АЛИШЕР МУРАДУЛЛАЕВИЧ

ҒЎЗА НАВЛАРИ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ ҲАРОРАТГА ЧИДАМЛИЛИГИНИНГ МОРФО-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2020

УЎТ633.511;631.519:58.036

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации Доктора философии (PhD) по биологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on biological sciences

Мурадуллаев Алишер Мурадуллаевич
Ғўза навлари ва тизмаларининг юқори ҳароратга чидамлилигининг морфо-физиологик хусусиятлари..... 5

Мурадуллаев Алишер Мурадуллаевич
Морфо-физиологические особенности устойчивости сортов и линий хлопчатника к высоким температурам ……..... 21

Muradullaev Alisher Muradullayevich
Morpho-physiological features stability of varieties and cotton lines to high temperatures……..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 44

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МУРАДУЛЛАЕВ АЛИШЕР МУРАДУЛЛАЕВИЧ

ҒЎЗА НАВЛАРИ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ ҲАРОРАТГА ЧИДАМЛИЛИГИНИНГ МОРФО-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/B400 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ваинглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рахмонкулов Саидакбар** биология фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	**Давронов Қодиржон Сотволдиевич** биология фанлари доктори, профессор.
	Набиев Сайдиғани Мухторович биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Бухоро Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»_____ куни соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги (___рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

Б.Х.Аманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусханов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалиги атмосферага энг кўп иссиқхона газларини чиқарувчи тармоқлардан бири бўлиб, 2030 йилгача глобал ҳаво ҳароратининг $+2^0$C гача кўтарилишини олдини олиш мақсадида аграр тармоқда сув ва сув ресурларидан фойдаланишни оптималлаштириш лозимлиги таъкидланмоқда[1]. Инсон фаолияти натижасида ажралиб чиқаётган иссиқхона газлари иссиқликни атмосферада сақланиб қолишига, глобал исишга сабаб бўлиб, иқлимнинг ўзгариши эса ёғингарчиликка, қурғоқчиликка ҳамда касаллик ва зараркунандаларнинг географик кенг тарқалишига олиб келиб, барқарор ривожланиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундай салбий таъсирларни олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш ҳамда йўқотилаётган ҳосилни сақлаб қолиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ғўза жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини хомашё билан таъминлайдиган муҳим техник экин ҳисобланади. Иқтисодиёт талаби даражасидаги маҳсулот етиштириш учун эса ҳосилни йўқотилишига сабаб бўлмайдиган мақбул ҳарорат талаб этилади. Экстремал ҳарорат ўсимликнинг физиологик-биокимёвий фаолиятига салбий таъсир этиб, ҳосилни ва унинг сифатини маълум даражада пасайишига олиб келади. Ҳаво ҳароратининг ўзгариши, ғўзанинг ҳосил тўплаш даврида ҳароратнинг $+40^0$ С дан юқори бўлган кунлар сонининг ортиши ва ҳосилдорлик ҳамда сифат кўрсаткичларига жиддий зарар етказиши ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини мукаммаллаштиришни, ғўзанинг юқори ҳароратга чидамлилик белгиларига эга бўлган маданий ва рудерал шаклларини физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганган ҳолда селекцион изланишларга жалб қилишни тақозо этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида пахтачиликда стресс омиллар таъсирига генетик жиҳатдан чидамли бўлган ғўза навларини селекция жараёнларига тадбиқ қилиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[2] «қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларига мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ғўза нав ва тизмаларида юқори ҳарорат таъсирида содир бўладиган морфологик, физиологик ўзгаришларни аниқлаш ва қимматли хўжалик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсирини ўрганиш орқали уларнинг чидамлилик хусусиятларини баҳолаш, чидамли ғўза нав ва тизмаларини

[1]Food and Agriculture Organization.UNO. 2020. Statistics: FAOSTAT agriculture http://fao.org./crop/statistics.
[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони

ажратиб олиш ҳамда улардан сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, маҳсулдор янги ғўза навларини яратишда амалий селекция жараёнларига бошланғич манба сифатида тавсия этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги «2019 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1037-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «2020 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 985-сонли қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза физиологиясида юқори ҳароратга чидамлилик хусусиятларини ўрганиш бўйича изланишлар хорижий олимлар C.W.Bednarz (2001), L.M.Arevalo (2004), A.Shakoor et.al (2017), M.A.Waqas et.al (2017) илмий ишларида келтириб ўтилган. Ғўзанинг морфологик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсирини K.Reddy (1992) ўрганган. Юқори ҳароратнинг қимматли-хўжалик белгиларига таъсирини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларини эса, D.B.Lobell, G.P.Asner (2003), S.Williams (2015), R.Ekinci et.al (2017), W.Pettigrew (2016), D.Loka (2010) олиб борганлар. Олимлардан S.White, S.A.Raine (2008), M.Bange et.al (2005), R.S.Brown (2003) эса иссиқ ҳарорат ва қурғоқчиликнинг салбий таъсирини камайтиришда ирригацион тармоқларни тўғри режалаштириш, сув балансини бошқариш тизимини жорий қилиш каби самарали усулларни тадқиқ этганлар. Шунингдек, МДҲ мамлакатларида ғўза ўсимлигида физиологик ва биокимёвий жараёнларга юқори ҳароратнинг салбий таъсирини камайтириш ва унинг олдини олиш бўйича Х.Самиев (1979), А.Эргашев (1997), Р.М.Усмонов (1997), А.Э.Холлиев (2016) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ҳаво ҳароратининг таъсири Г.С.Зайцев (1927), А.И.Шлейхер, Э.Т.Шайхов (1978), Ҳ.Ш.Неъматов (2005), А.Данабоев (2017) ва бошқа олимлар ишларида ёритилган. Юқорида келтирилган адабиёт маълумотлари ишнинг долзарблигини асослайди, бироқ, айнан ғўза нав ва тизмаларида юқори ҳарорат таъсирида содир бўладиган морфологик ва физиологик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда қимматли хўжалик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсирини ўрганиш ва шу орқали уларнинг чидамлилик хусусиятларини баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари адабиёт манбаларида кам учрайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-109-2015 «Ғўзанинг селекцион манбаларининг қимматли хўжалик ва айрим физиологик кўрсаткичларига гармселни таъсирини ўрганиш, улардан бардошлиларини амалий селекцияга ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўза навлари ва тизмаларида юқори ҳарорат таъсирида содир бўладиган морфологик ва физиологик ўзгаришларнинг қимматли хўжалик белгиларига таъсирини аниқлаш асосида уларнинг чидамлилик хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G.hirsutum L. ва *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навлари ҳамда ёввойи турлар иштирокида олинган тизмаларнинг морфологик кўрсаткичларига юқори ҳароратнинг таъсирини аниқлаш;

юқори ҳарорат шароитларида ўстирилган ғўза нав ва тизмаларнинг вегетация даври давомида фенологик кузатувлар ўтказиш;

юқори ҳарорат шароитларида ўстирилган ғўза нав ва тизмаларнинг айрим физиологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ғўза нав ва тизмаларнинг айрим қимматли хўжалик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсирини ўрганиш;

ўрганилган ғўза нав ва тизмаларда морфо-физиологик ва қимматли хўжалик белгилари орасидаги ўзаро коррелятив боғлиқлик даражасини ва юқори ҳароратга бардошли нав ва тизмаларни аниқлаб, селекцион-генетик тадқиқотларга бошланғич манба сифатида тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг ўрта толали *G.hirsutum* L. турига мансуб Султон, Истиқлол-14, Бухоро-102, ингичка толали *G.barbadense* L. турига мансуб Сурхон-14 навлари ҳамда ёввойи турлар иштирокида олинган Л-01 (*G.hirsutum* L. x *G.klotzschianum* Anderss), Л-02 (*G.hirsutum* L. x *G.sturtianum* Müll) тизмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг ҳар хил юқори ҳарорат шароитида морфологик-физиологик хусусиятлари ўзгарувчанлигини ҳамда қимматли хўжалик белгилари билан боғлиқлигини таҳлил этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертация тадқиқотларида «Методика проведения опытов с хлопчатником» (1983, Ташкент), «Методы агрохимических анализов почв и растений» (1973, Ташкент), «Методика вегетационных опытов с хлопчатником» (1977, Тошкент) услубий қўлланмаларида келтирилган услублардан фойдаланилди. Ғўза физиологиясида транспирация жадаллиги, барг сатҳи, баргдаги умумий сув миқдори ва сув сақлаш хусусияти Н.Н.Третьякова (1982) услубида аниқланди. Хлорофилл “а” миқдори Agilent Cary 60 UV-Vis маркали спектрофотометр ускунасида, чигит таркибидаги мой миқдори АМВ-“ЯМР-1006” ускунаси ёрдамида таҳлил қилинди. Тола микронейри HVI тизимида “Сифат” марказида аниқланди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985,

Москва) услубида ва EXCEL (2010) (ANOVA, Fisher PLSD, alfa-0,05) Stat View 5.0 дастурида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

илк бор ғўзанинг ингичка толали Сурхон-14, ўрта толали Истиқлол-14 навларида ҳамда Л-02 тизмасида турли юқори ҳаво ҳарорати шароитларида транспирация жадаллиги билан маҳсулдорлик ва сақланиб қолган ҳосил элементлари сони белгилари орасида ўзаро ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

ғўза навларида транспирация жадаллиги уларнинг маълум бир сатҳ бирлигидаги баргнинг устки ва остки томонидаги оғизчалар сони ва ўлчамига боғлиқлиги аниқланган бўлиб, бу морфологик белги бўйича ғўзаниг сув балансига доир хулоса бериш мумкинлиги исботланган;

ғўза нав ва тизмаларининг юқори ҳароратга бардошлилигини табиий шунингдек, сунъий юқори ҳарорат шароитида шоналаш-гуллаш фазасида баргдаги ҳужайра ширасн концентрацияси кўрсаткичига кўра аниқлаш мумкинлиги исботланган;

ғўза нав ва тизмаларида юқори ҳароратга нисбатан бардошлиликни ҳосил миқдори ва тола сифат кўрсаткичлари бўйича, морфологик белгиларидан эса баргнинг қалинлиги, тукланиш даражаси ва барг сатҳи кўрсаткичларига кўра аниқланиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг юқори ҳароратга бардошли бўлган тезпишар, ҳосилдор ва тола чиқими юқори бўлган Л-01 ва Л-02 тизмалари ажратиб олинган;

республиканинг жанубий минтақалари учун ғўзанинг ингичка толали Сурхон-14 ва ўрта толали Истиқлол-14 навлари юқори ҳароратга бардошли навлар сифатида танлаб олинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган кўп йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йилги апробацияларда юқори баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, олинган илмий натижаларнинг статистик таҳлили қилингани, хулосаларнинг илмий ва амалий асослангани, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжумунларда муҳокама этилганлиги, тадқиқот натижалари етакчи маҳаллий илмий нашрларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза навлари ҳамда ёввойи турлари иштирокида олинган тизмаларнинг морфо-физиологик кўрсаткичларига юқори ҳароратнинг таъсири ўрганилганлиги, юқори ҳароратга бардошлиликни турли морфо-физиологик хусусиятларга боғлиқлиги аниқланганлиги ва юқори ҳароратга бардошли бошланғич манбалар ажратиб олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти-изланишларда фойдаланилган тизмалардан селекция жараёнларида юқори ҳароратга

бардошли навлар яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳамда Истиқлол-14 ва Сурхон-14 ғўза навларининг юқори ҳароратга бардошли навлар сифатида республикамизнинг юқори ҳарорат кузатиладиган ҳудудларида етиштириш тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза навлари ва тизмаларининг юқори ҳароратга бардошлилигининг морфо-физиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзанинг ўсув даврида юқори ҳароратга чидамли, ҳосил элементлари, тола сифат кўрсаткичлари ижобий бўлган “Сурхон-14” нави Сурхондарё вилоятининг Ангор, Қизириқ, Шеробод ва Термиз туманларида 5,557 минг га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил 4 ноябрдаги 02/020-3464-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу навдан юқори ва сифатли ингичка тола ҳосили олиш имконини берган.

ғўзанинг “Истиқлол-14” нави Сурхондарё вилоятида жорий этилиб, Жарқўрғон туманидаги фермер хўжаликларда 33,2 га майдонга, Шўрчи туманидаги фермер хўжаликларида 208,5 га майдонга экилган ва гектаридан 31,0-34,0 центнердан ҳосил олинган (Ўзбекистон фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 15 августдаги 01/02-2343-сонли маълумотномаси). Натижада рентабеллик даражаси 16-20% қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

ғўзанинг Л-01 ва Л-02 тизмалари танланиб амалий селекция жараёнида юқори ҳароратга бардошли навлар яратишда бошланғич манба сифатида тавсия этилган ҳамда ушбу тизмаларнинг уруғлари ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Ғўза генофонди” ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 27 июндаги 4/1255-1802-сон маълумотномаси). Намуналар ўрта толали ғўза коллекцияси фондини янада бойитиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига юқори ҳароратнинг таъсири”** деб номланган биринчи боби юқори ҳароратнинг қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсири тўғрисида маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари натижаларининг таҳлилига бағишланган. Хусусан, ғўза ўсимлигида юқори ҳарорат таъсирида содир бўладиган морфологик ва физиологик ўзгаришларни ҳамда қимматли хўжалик белгиларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий ишлар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказилган жой ва шароити, тадқиқот манбаи, услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни ўтказиш жойи ва шароитлари, тадқиқот манбаи ва уларнинг келиб чиқиши баён этилган. Изланишларда ғўза физиологияси ва биокимёсининг классик ва замонавий услублари ҳамда генетик-селекцион статистика таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Ғўзанинг айрим физиологик ва биокимёвий жараёнларига юқори ҳароратнинг таъсири”** деб номланган учинчи бобида юқори ҳарорат таъсирида ўрганилган навлар ва тизмаларда транспирация жадаллиги, баргларнинг сув сақлаш хусусияти ҳамда барглардаги умумий сув ҳамда чигит таркибидаги мой миқдорининг ўзгариши, табиий ва сунъий юқори ҳарорат шароитида барглардаги хлорофилл “а” миқдори ва ҳужайра ширасси концентрацияси кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Нав ва тизмаларда мақбул ҳарорат (+25-30^{0}C) шароитида транспирация жадаллиги кун мобайнида (эрталаб; тушки; кечки вақт) 30,0 мг/г.соат дан 73,2 мг/г соат гача, юқори ҳарорат (+35-45^{0}C) таъсирида 63,8 мг/г. с дан 158,3 мг/г. с гача ва ўта юқори ҳарорат (+45-50^{0}C) таъсирида 76,4 мг/г. с дан 302,3 мг/г. с гача кенг доирада ўзгарганлиги қайд этилди. Ушбу белги бўйича мақбул ҳаво ҳарорати шароитида кўрсаткичлар Сурхон-14 навида 47,8-52,4; Истиқлол-14 навида 34,5-57,5 мг/г соатгача оралиқда бўлди. Ўта юқори ҳарорат шароитида ушбу навларда транспирация жадаллиги мос равишда 50,5-215,0 мг/г соат; 76,4-210,2 мг/г соатни ташкил этади (1-жадвал).

Дала шароитида (назорат варианти) ғўза нав ва тизмаларида баргларнинг сув сақлаш хусусияти эрталабки соатларда 9 % дан 13 % гача, тушки соатларда эса 8 % дан 14 % гача оралиғида бўлганлиги аниқланди. Бу белги бўйича

ижобий натижа Истиқлол-14 (8-9 %) ҳамда Л-02 (8-11 %) тизмасида қайд этилди.

1-жадвал

Ғўза навлари ва тизмаларида гуллаш фазасида транспирация жадаллигининг мақбул ва юқори ҳароратда ўзгариши, мг/г.соат

№	Нав ва тизмалар	Аниқлаш соатлари:			Назорат-дан фарқи, +,-
		8-10	12-14	16-18	Тушки 12-14 соатга
	I-вариант (назорат)	Тупроқ намлиги			
		65-70%	65-70%	65-70%	
		Ҳаво ҳарорати ва намлиги			
		24,6^{0}C; 60,7%	35,4^{0}C;57%	32,3^{0}C;52,0%	
1	Сурхон-14	47,8±1,0	52,4±1,1	50,4±1,0	
2	Истиқлол-14	57,5±1,7	37,5±1,4	34,5±1,2	
3	Султон	68,0±1,8	37,0±2,4	30,0±0,9	
4	Бухоро-102	73,2±1,9	41,1±0,7	37,1±1,4	
5	Л-01	67,4±0,4	58,3±1,4	56,3±1,4	
6	Л-02	72,8±1,0	44,9±1,7	41,9±1,8	
	Ўртача	64,48	45,61	41,7	
	ЭКФ$_{0,5}$	4,5	3,7	3,1	
II-вариант		Ҳаво ҳарорати ва намлиги			
		36,4^{0}C; 52,3%	45,1^{0}C;40,%	38,2^{0}C;46,4%	
1	Сурхон-14	63,8±2,14	95,5±0,6	90,4±0,8	+43,1
2	Истиқлол-14	74,9±1,8	138,6±1,4	120,5±1,9	+101,1
3	Султон	78,2±0,7	158,3±1,4	150,2±1,3	+121,0
4	Бухоро-102	79,3±0,5	90,5±1,1	82,1±0,9	+49,0
5	Л-01	74,1±0,7	116,7±1,0	115,3±1,8	+58,0
6	Л-02	69,9±0,8	115,0±1,2	110,9±1,7	+70
	Ўртача	73,2	1193	111,2	
	ЭКФ$_{0,5}$	(4,4)	(3,9)	(3,1)	
III-вариант		Ҳаво ҳарорати ва намлиги			
		39,5^{0}C; 42,2%	48,4^{0}C;40,%	40,2^{0}C;39,0%	
1	Сурхон-14	50,5±0,9	215,0±1,1	200,4±1,3	+163,0
2	Истиқлол-14	76,4±1,8	210,2±1,1	180,5±1,9	+173,0
3	Султон	97,6±1,3	234,5±1,2	225,0±2,4	+198,0
4	Бухоро-102	80,4±1,2	236,0±1,1	230,1±1,7	+195,0
5	Л-01	77,7±1,5	302,3±1,4	235,3±1,4	+204,0
6	Л-02	92,7±1,5	237,3±0,8	230,9±1,7	+192,0
	Ўртача	79,22	250,1	217,13	
	ЭКФ$_{0,5}$	4,9	5,9	4,8	

Юқори ҳарорат таъсирида ғўза навлари ва тизмаларида баргларнинг сув сақлаш хусусияти эрталабки соатларда 9,4 % дан 21,8 % оралиғида, тушки соатларда эса 9,6 % дан 16,9 % гача оралиғида бўлиб, назорат вариантига нисбатан ижобий натижалар Истиқлол-14 (11-14 %) нави ва Л-02 (96,6-21,3 %) тизмасида аниқланди. Таъкидлаш лозимки баргларнинг сув сақлаш хусусияти-маълум вақт оралиғида йўқотилган сув миқдоридир. Йўқотилган сув миқдори қанча кам бўлса, баргларнинг сув сақлаш хусусияти шунча юқори бўлади.



1-расм. Ғўза нав ва тизмаларида гуллаш босқичида баргларда сувни сақлаш хусусияти, %

Ғўза нав ва тизмалари ўсимликларининг шоналаш даврида барглардаги умумий сув миқдори мақбул ҳаво ҳарорати (+25-30^{0}С) шароитида 75,2-84,2 % ни, гуллашда 74,3 %-80,0 % ни ва кўсаклашда 70,0 %-80,0 % ни ташкил этди. Бу белги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Истиқлол-14 (80,2 %), Бухоро-102 (80,2 %) навлари ва Л-02 (84,2 %) тизмасида аниқланди.

Ғўза навлари ва тизмалари баргларидаги ҳужайра ширасы концентрацияси таҳлили натижаларига кўра, шоналаш, гуллаш, кўсаклаш босқичларида ҳаво ҳарорати +25-30^{0}С бўлган шароитда белги кўрсаткичлари Сурхон-14 навида мос равишда 9,5;10,2;13 %; Истиқлол-14 навида 7;8,9;10 %; Султон навида 7,9;8,5;11,2 %; Бухоро-102 навида 9;12; 12 %; Л-01 тизмасида 10;11;14 % ва Л-02 тизмасида 9,2;10;12,9 % ни ташкил этди. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши (+40-45^{0}С) билан белги кўрсаткичлар Сурхон-14 навида 11;14;16 %; Истиқлол-14 навида 9,9;14;16 %; Султон навида 11;13;17,4 %; Бухоро-102 навида 10;12;16 %; Л-01 тизмасида 11;13;18 %; Л-02 тизмасида 12;14;15 % га тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткичлар Сурхон-14, Истиқлол-14 навлари ва Л-02 тизмасида қайд этилди.

Ғўза навлари ва тизмаларининг чигит мойдорлиги натижалари таҳлилига кўра, ҳаво ҳарорати (+25-30^{0}С) шароитида ушбу белгининг кўрсаткичлари 18,7-22,7 % ни, ҳарорат (+35-40^{0}С) шароитида 17,7-22,5 % ни ва ҳаво ҳарорати

+45-50^{0}C шароитида 17,7-22,0 % ни ташкил этади. II-вариантда (+35-40^{0}C) Истиқлол-14, Сурхон-14 навлари ва Л-02 тизмаси назорат вариантига нисбатан чигит мойдорлиги белги кўрсаткичи мос равишда 0,2; 0,8; 0,8 % га камайиши аниқланди. Бу эса ушбу навлар ва тизманинг чигит мойдорлигига юқори ҳароратнинг таъсири кам эканлигини кўрсатди.

Ғўза нав ва тизмалари баргларидаги хлорофилл “а” миқдори назорат вариантда 1,66 мг/г дан 2,01 мг/г гача оралиқда кузатилиб, юқори ҳарорат (42,9^{0}C) шароитида 1,42 мг/г дан 1,87 мг/г гача, энг юқори ҳарорат (48,2^{0}C) шароитида эса 1,00 мг/г дан 1,84 мг/г оралиқда бўлиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан хлорофиллар миқдори камайиши кузатилди. Энг юқори ҳарорат шароитида назорат вариантига нисбатан энг кам фарқланиш Л-02 тизмасида (0,02 мг/г), Султон (0,11 мг/г) ва Сурхон-14 навларида (0,19 мг/г), қайд этилди.

Диссертациянинг “**Ғўзанинг айрим морфобиологик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида бош поя баландлиги, ҳосил шохлари сони, барг сатҳи, баргдаги оғизчалар сони, барг пластинкасининг қалинлиги ва тукланиш даражаси каби морфобиологик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсири бўйича маълумотлар таҳлил қилинган ва бобга доир илмий хулосалар келтирилган.

Ғўза нав ва тизмаларида мақбул ҳаво ҳарорати (+25-30^{0}C) шароитида бош поя баландлиги 72,0 см дан 88,2 см гача оралиқда бўлиб, белгининг энг юқори кўрсаткичлари Л-01 тизмасида (88,2 см) ва Султон навида (88,0 см) қайд этилди. Ҳаво ҳарорати +35-40^{0}C бўлган шароитда нав ва тизмаларда бош поя баландлиги 74,2 см дан 85,7 см гачани, ҳаво ҳарорати +45-50^{0}C бўлган шароитда 63,0 см дан 82,0 см гачани ташкил этиб, Л-01 тизмаси, Истиқлол-14 ва Султон навларида бош поя ўсишига юқори ҳароратнинг таъсири кам бўлганлиги аниқланди.

Мақбул ва юқори ҳарорат шароитида нав ва тизмаларнинг ҳосил шохлари сони ўрганилганда, тажрибанинг I-вариантида ўртача 12,5 донадан 16,7 донагача оралиқда ҳосил шохлари бўлганлиги аниқланди. Бу белги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Л-02 тизмасида ва Истиқлол-14 навида кузатилиб, уларда шаклланган ҳосил шохлари сони мос равишда 16,7; 14,5 донага тенг бўлди. Ҳосил шохлари сони бўйича энг паст кўрсаткич Бухоро-102 навида қайд этилиб, ҳосил шохлари сони 12,7 донани ташкил этди. Юқори ҳаво ҳарорати +40-45^{0}C шароитида ғўза нав ва тизмалардаги ҳосил шохлари сони 10,7 донадан 14,2 донагача оралиқда бўлиб, барча нав ва тизмаларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, назорат вариантига нисбатан 0,5 донадан 2,5 донагача камайиши аниқланди. Сурхон-14 ва Султон навлари ҳамда Л-01 тизмасида ҳосил шохларининг шаклланиш даражасига юқори ҳароратнинг таъсири кам бўлиб, уларнинг ҳосил шохлари сони назорат вариантга нисбатан мос равишда 0,5; 0,7; 0,7 донага кам эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Мақбул ва юқори ҳарорат шароитларида ғўза навлари ва тизмаларида ҳосил шохлари сони, *(дона)*

№	Нав ва тизмалар	I-вариант, назорат	II-вариант	III-вариант	Назоратдан фарқи +,-	
					II-вариант бўйича	III-вариант бўйича
		+25-30^{0}C	+40-45^{0}C	+45-52^{0}C		
		Ҳосил шохлари сони, дона				
1	Сурхон-14	12,5±1,1	12,0±0,8	10,7±0,4	-0,5	-1,8
2	Истиқлол-14	14,5±0,6	13,2±0,8	11,7±0,6	-1,3	-2,8
3	Султон	13,7±0,8	13,0±0,4	13,0±0,4	-0,7	-0,7
4	Бухоро-102	12,7±0,6	10,7±0,9	10,0±0,9	-2,0	-2,7
5	Л-01	13,2±0,4	12,7±0,3	11,0±0,7	-0,7	-2,2
6	Л-02	16,7±0,7	14,2±0,4	10,5±0,6	-2,5	6,2

Юқори ҳароратнинг барг сатҳи ўзгаришига таъсири бўйича олинган маълумотлар таҳлили натижаларига кўра, мақбул ҳарорат ва намлик шароитида барча ғўза нав ва тизмаларида барг сатҳининг кўрсаткичлари энг юқори бўлди. Юқори ҳарорат ҳамда нисбий намликнинг пасайиши таъсирида барча нав ва тизмаларда барг сатҳининг сезиларли даражада кичрайиши қайд этилди. Ҳосил шохлари сони кўп бўлган нав ва тизмаларда барг сатҳи ҳам нисбатан катта бўлганлигини кузатиш мумкин.



2-расм. Ўсув даврининг турли фазаларида юқори ҳарорат (+35-40^{0}C) шароитида нав ва тизмаларда барг сатҳининг ўзгариши, см^2

Юқори ҳарорат шароитида ғўза нав ва тизмаларининг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида барг сатҳи ўрганилганда, шоналаш босқичидан гуллашгача бўлган даврда барг сатҳи кенгайиши барча нав ва тизмаларда

юқори даражада амалга ошганлигини кузатиш мумкин. Гуллашдан кўсаклашгача бўлган даврда барг сатҳи кенгайиши давом этиб, бу даврда Л-02 тизмасида энг катта барг сатҳи қайд этилди. Унинг барг сатҳи гуллаш босқичида ўртача 1800 см^2 га ва кўсаклаш босқичида 1900 см^2 га тенг бўлди. Энг кичик барг сатҳи кўрсаткичлари Сурхон-14 нави ва Л-01 тизмасида қайд этилиб, уларнинг барг сатҳи гуллаш босқичида мос равишда 1440 см^2; 1300 см^2 га, кўсаклаш босқичида эса 1680см^2; 1645 см^2 ни ташкил этади. Истиқлол-14 ва Бухоро-102 навларининг барг сатҳи кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлди. II-вариантда юқори ҳарорат шароитида, барча ғўза навлари ва тизмаларида уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда барг сатҳи сезиларли даражада кичрайиб, Бухоро-102 ва Истиқлол-14 навларининг барг сатҳи ўзгаришига юқори ҳароратнинг таъсири кам эканлиги аниқланди (2-расм).

Баргларнинг остки томонида 1 мм^2 сатҳда оғизчалар сони 132,0 донадан 246,2 донани ташкил этди. Энг кўп барг оғизчалари сони Сурхон-14 навида (246,2 дона) қайд этилиб, уларнинг энг кам сони Истиқлол-14 нави ва Л-01 тизмасида (мос равишда 132,0 дона ва 169,0 дона) эканлиги аниқланди.



3-расм. **Истиқлол-14 навида барг остки томонида оғизчалар кўриниши (400x1,25=500) марта катталаштирилган.**



4-расм. **Истиқлол-14 навида барг устки томонида оғизчалар кўриниши (400x1,25=500) марта катталаштирилган.**

Баргларнинг устки томонида барг оғизчалар сони кам бўлиб, 1 мм^2 га 83,7 донадан 109,0 донагачани ташкил этади. Энг юқори кўрсаткич Султон навида қайд этилиб, бу навда баргнинг устки томонида 1 мм^2 да 107,2 дона барг оғизчалар аниқланди. Нисбатан кам барг оғизчалар сони Истиқлол-14 ва Бухоро-102 навларида бўлиб, мос равишда 92,0; 83,7 донани ташкил этди ва бу 4-расмда ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига юқори ҳароратнинг таъсири”** деб номланган бешинчи бобида ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг 50 % ўсимликларнинг унувчанлиги, бир туп ўсимликнинг маҳсулдорлиги, тола узунлиги, унинг чиқими ва сифати, бир дона кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни ва қимматли хўжалик белгилари орасидаги корреляция кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Ғўза чигитларининг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири-бу уларнинг унувчанлигидир. Чигитларнинг унувчанлиги бўйича олинган

маълумотлар таҳлили кўрсаткичлари, I-вариантда ҳаво ҳарорати ўртача+30,9^{0}C ва нисбий намлиги 62,8 % шароитида 50 % унувчанлик 6,7 кундан 8,5 кунгача ташкил этди. Бу белги бўйича ижобий натижалар Султон (6,7 кун), Бухоро-102 (6,7) ва Истиқлол-14 (7,5 кун) навларида кузатилди. II-вариантда ҳаво ҳарорати ўртача +42,9^{0}C ва нисбий намлиги 46,5 % шароитида чигитлар унувчанлиги 4,5 кундан 6,2 кунгачани ташкил қилиб, ушбу вариантда ҳам чигитларнинг унувчанлиги бўйича юқори кўрсаткичлар Султон (4,5 кун), Бухоро-102 (5,0 кун) ва Истиқлол-14 (5,2 кун) навларида кузатилди.

Нав ва тизмаларда маҳсулдорлик бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, назорат вариантида (ҳаво ҳарорати +25-30^{0}C шароитда) маҳсулдорлик битта ўсимликда 24,6 г дан 45,8 г гачани ташкил қилиб, ушбу белги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Л-02 тизмаси (45,8 г) ва Истиқлол-14 (45,4 г) навида қайд этилди. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан маҳсулдорлик миқдори камайиб бориши кузатилди. II-вариантда (+40-45^{0}C) 17,0 г дан 38,2 г гача, III-вариантда (+45-52^{0}C) эса 11,9 г дан 27,6 г гача ораликда маҳсулдорлик миқдори камайгани аниқланди. Юқори ҳарорат (+40-50^{0}C) шароитида маҳсулдорлик белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро-102 (38,2 г) ва Истиқлол-14 (38,1 г) навларида қайд этилди, Ушбу навларнинг морфо-физиологик хусусиятлари, уларни юқори ҳаво ҳароратига нисбатан чидамлилигини кўрсатди (5-расм).



5-расм. Нав ва тизмаларда турли ҳаво ҳарорати шароитида маҳсулдорлик кўрсаткичлари, г

Тола сифатини белгиловчи асосий хўжалик белгиларидан бири бўлиб, тола узунлиги ҳисобланади. Турли ҳарорат шароитида ғўза нав ва тизмаларида тола узунлиги бўйича олинган маълумотлар таҳлилига кўра, тажрибанинг назорат варианти ўрта ҳарорат шароитида тола узунлиги 39,4-32,5 мм гачани ташкил этди. Бунда ингичка толали Сурхон-14 навида тола узунлиги 39,4 ммни, Истиқлол-14, Султон ва Бухоро-102 навларида эса белгининг кўрсаткичи мос равишда 34,8; 34,3; 34,4 мм га тенг бўлди. Ёввойи турлар иштирокида олинган Л-01 ва Л-02 тизмаларида тола узунлиги 32,5-34,6 мм га

тенг бўлиб, ижобий натижалар Сурхон-14, Истиқлол-14 навлари ва Л-02 тизмасида қайд этилди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли ҳаво ҳарорати шароитларида ғўза нав ва тизмаларда тола узунлиги

№	Нав ва тизмалар	Назорат	Юқори ҳарорат шароитида	
		Тола узунлиги, мм		
		+25-30^{0}C	+40-45^{0}C	+45-50^{0}C
1	Сурхон-14	39,4±0,3	39,0±0,4	38,0±0,4
2	Истиқлол-14	34,8±0,2	34,5±0,3	34,1±0,4
3	Султон	34,3±0,1	33,8±0,2	33,0±0,4
4	Бухоро-102	34,4±0,1	34,1±0,1	33,7±0,2
5	Л-01тизма	32,5±0,2	31,7±0,2	31,0 ±0,4
6	Л-02 тизма	34,6±0,2	34,3±0,4	33,7±0,2
	Ўртача	35,0	34,6	33,9
	ЭКФ$_{0,5}$	0,7	1,0	1,0

Ғўза навлари ва тизмаларида тола чиқими ҳам муҳим қимматли хўжалик белгиси ҳисобланади. Тажрибаларимизда ҳаво ҳарорати таъсирида тола чиқми ўзгарганлиги кузатилди. Дала шароитида ҳаво ҳарорати (+22-28^{0}C) тола чиқими 33,6 % дан 38,0 % гача, ҳарорат +25-30^{0}C бўлган шароитда 33,9 % дан 38,2 % гача, юқори ҳаво ҳарорати +40-45^{0}C шароитида эса 33,1 % дан 37,0 % гачани ташкил қилиб, ушбу белги бўйича юқори ҳарорат шароитида ижобий кўрсаткичлар Истиқлол-14 (35 %) ва Бухоро-102 (34,1 %) навларида қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Турли ҳарорат шароитида ғўза нав ва тизмаларида тола чиқимининг шаклланиши, %

№	Нав ва тизмалар	Табиий дала шароити	Вегетацион майдон	Юқори ҳарорат шароити	Юқори ҳарорат шароити
		Тола чиқими, %			
		+22-28^{0}C	+25-30^{0}C	+40-45^{0}C	+45-50^{0}C
1	Сурхон-14	37,4±0,2	34,1±0,1	33,1±0,1	33,1±0,2
2	Истиқлол-14	37,5±0,2	35,7±0,1	35,0±0,8	35,0±0,1
3	Султон	36,0±0,9	34,2±0,2	35,6±0,2	32,2±0,2
4	Бухоро-102	36,1±0,1	35,9±0,1	35,6±0,2	34,1±0,2
5	Л-01тизма	33,6±0,2	33,9±0,6	33,2±0,2	31,0±0,3
6	Л-02 тизма	38,0±0,1	38,2±0,6	37,0±0,6	37,0±0,04
	Ўртача	36,4	35,3	34,6	33,8
	ЭКФ$_{0,5}$	0,56	0,48	0,96	0,69

Дала ва вегетацион тажрибаларда тола сифат кўрсаткичларидан бири бўлган тола микронейри таҳлил қилинди. Дала шароитида ғўза нав ва тизмаларида толанинг микронейр кўрсаткичлари 3,7 дан 4,8 гачани ташкил қилди. Энг ижобий кўрсаткичлар Истиқлол-14 ва Сурхон-14 навларида қайд этилиб, уларнинг микронейр кўрсаткичлари мос равишда 3,9; 3,9 га тенг бўлди. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан ғўза навлари ва тизмаларида уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда микронейр кўрсаткичлари пасайиб борганлиги кузатилди.

Ҳаво ҳарорати +25-30^{0}С бўлган шароитда Сурхон-14 нави ва Л-01 тизмасида транспирация жадаллиги ва маҳсулдорлик белгилари орасидаги кучли ижобий (мос равишда r=0,78; r=0,98), корреляция мавжудлиги аниқланди. Ҳаво ҳарорати ошиши билан +35-40^{0}С ушбу белгилар орасидаги корреляция Истиқлол-14 навида кучсиз ижобий (r=0,27), Султон навида эса кучли ижобий (r=0,98) бўлди. Ҳарорат юқори +45-50^{0}С бўлган шароитида бу белгилар ўртасидаги корреляция Сурхон-14 ва Истиқлол-14 навларида кучли салбий (r=-0,95 дан), Л-02 тизмасида эса ўрта салбий (r=-59) даражада бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ғўза навлари ва тизмаларининг юқори ҳароратга бардошлилик даражасини баҳолашда генетик-селекцион ашёларнинг сунъий юқори ҳарорат шароитида бардошлилигини аниқлаш ҳамда айрим физиологик ва морфологик белгиларидан маркёр сифатида фойдаланиш ўрганилаётган намуналарнинг баҳолаш самарадорлигини янада оширади. Бундан ташқари, ғўзанинг ингичка толали Сурхон-14 ва ўрта толали Истиқлол-14 навлари Республиканинг юқори ҳароратли тупроқ-иқлим шароитларида экиб кўпайтиришга ва Л-02 тизмаси эса юқори ҳароратга бардошли ғўза навларини яратишдаги селекцион дастурларда бошланғич манба сифатида тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Ғўза навлари ва тизмаларининг юқори ҳароратга чидамлилигининг морфо-физиологик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юқори ҳаво ҳарорати (+40-45^{0}С) шароитида Султон нави ва Л-01 тизмасида транспирация жадаллиги юқори даражада бўлганлиги аниқланди, ушбу нав ва тизмада назорат вариантига (+25-30^{0}С) нисбатан кўпроқ ҳосил элементлари тўкилиб кетганлиги, ғўзада транспирация жадаллиги билан ҳосил элементлари сони орасида боғлиқлик мавжудлиги қайд этилди.

2. Султон навида баргнинг остки томонида оғизчалар сони 209,0 донага, ундаги транспирация жадаллиги гуллаш фазасида ўта юқори ҳарорат (+45-50^{0}С) шароитида 255,0 мг/гсоатга, Истиқлол-14 навида баргнинг остки томонида барг оғизчалари 130,0 дона, транспирация жадаллиги 213,0 мг/г соатга тенг эканлиги аниқланди. Айрим навларда барг оғизчалари сони ортиши билан транспирация жадаллиги юқори ва аксинча барг оғизчалари сони камайиши билан транспирация жадаллигининг камайиши кузатилди.

3. Бухоро-102, Истиқлол-14 ва Сурхон-14 навлари ҳамда Л-02 тизмасида юқори ҳарорат шароитида (+40-45^{0}С) гуллаш босқичида транспирация жадаллиги камлиги, барг тўқималарида сув сақлаш хусусиятининг юқорилиги ҳамда тукланиш даражасининг юқорилиги, туклардаги трихомалар сони кўплиги, пишиб етилиш босқичида сақланиб қолган ҳосил элементлари сонининг, назорат (+25-30^{0}С) вариантдаги ҳосил элементлари сонига яқинлиги ушбу навларни юқори ҳароратга (+45-50^{0}С) нисбатан бардошлилигини кўрсатади.

4. Ғўза барглардаги хлорофилл “а” миқдори турли юқори ҳарорат таъсирида камайиб борганлиги кузатилиб, ўрта толали Истиқлол-14 нави ва Л-02 тизмасидаги хлорофилл миқдорига юқори ҳароратнинг таъсири нисбатан кам бўлганлиги ва улар маҳсулдорликнинг юқори кўрсаткичларга эга эканликлари аниқланди.

5. Истиқлол-14 ғўза навида ва Л-02 тизмасида баргларда тукланиш даражаси юқорилиги ҳамда трихомалар (туклар) сони бошқа навларга нисбатан кўплиги, ҳамда, барг тўқималарида сув сақлаш хусусияти юқорилиги уларнинг юқори (+40-45^{0}С) ҳароратга бардошлилигини таъминлаганлиги аниқланди.

6. Тажрибанинг назорат вариантида (ҳаво ҳарорати +25-30^{0}С шароитида) бир дона кўсакдаги пахта вазни 3,6 г дан 8,9 г гача бўлиб, юқори ҳаво ҳарорати (+45-50^{0}С) таъсирида эса 1,7 г дан 4,6 граммгача бўлганлиги аниқланди. Ушбу белги бўйича назорат вариантга нисбатан Сурхон-14 навида кўрсаткич 1,8 г, Л-02 тизмасида эса 2,0 граммга камайганлиги аниқланди.

7. Тажрибанинг назорат вариантида (ҳаво ҳарорати +25-30^{0}С шароитида) ғўзада сақланиб қолган ҳосил элементлари сони 13,4-18,9 дона, юқори ҳарорат (+40-45^{0}С) шароитида 8,5-13,3 дона, ўта юқори ҳарорат (+45-50^{0}С) шароитида эса 4,4-8,7 дона оралиғида бўлиб, ҳаво ҳарорати ошиб боргани сари сақланиб қолган ҳосил элементлари сони камайиб борганлиги аниқланди. Юқори ҳарорат шароитида сақланиб қолган ҳосил элементлари сони бўйича ижобий натижалар ингичка толали Сурхон-14 навида (13,3 дона), ўрта толали Истиқлол-14 навида (12,7 дона) ва Л-02 тизмасида (12,3 дона) қайд этилиб ушбу ғўза навлар ва тизмаси юқори ҳароратнинг таъсири кам эканлиги кузатилди.

8. Табиий ва сунъий юқори ҳаво ҳарорати шароитида ўрганилган ғўза навлари ва тизмаларидан юқори тола чиқимига Истиқлол-14 (35,7 %), Бухоро-102 (35,6 %) навлари ва Л-02 (37,0 %) тизмаси эга бўлиб, уларда тола чиқими назорат вариантига нисбатан мос равишда 0,7; 0,3; 1,2 % га камайиши билан бирга бу белги кўрсаткичлари бошқа навларга нисбатан ижобий бўлди.

9. Сурхон-14 навида транспирация жадаллиги ва сақланиб қолган ҳосил элементлари сони белгилари орасида ижобий боғлиқлик (r=0,78), юқори ҳаво ҳарорати (+35-40^{0}С) шароитида эса Истиқлол-14 навида кучсиз ижобий (r=0,27) корреляция мавжудлиги аниқланди.

10. Юқори ҳаво ҳарорати (+45-50^{0}С) шароитида Л-02 тизмасида транспирация жадаллиги ва сақланиб қолган ҳосил элементлари сони белгилари орасидаги ўртача ижобий боғлиқлик (r=0,57), Бухоро-102 ва

Истиқлол-14 навларида эса транспирация жадалиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни белгилари орасида кучли ижобий корреляция (мос равишда r=0,69 ва r=0,89) мавжудлиги аниқланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА

МУРАДУЛЛАЕВ АЛИШЕР МУРАДУЛЛАЕВИЧ

МОРФО-ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УСТОЙЧИВОСТИ К ВЫСОКИМ ТЕМПЕРАТУРАМ СОРТОВ И ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА

03.00.07-Физиология растений и биохимия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОССОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.4.PhD/B400

Диссертация выполнена в Научно-иследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.genetika.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Рахмонкулов Саидакбар** доктор биологических наук, профессор
Официалльные оппоненты:	**Давронов Кодиржон Сотволдиевич** доктор биологических наук, профессор
	Набиев Сайдиғани Мухторович кандидат биологических наук, с.н.с.
Ведущая организация:	**Бухарский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2020 г. _____ часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос.Юкори юз. Зал заседаний Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирована за № ____). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки за № ___ от «____» _____ 2020 г.)

А.А. Нариманов
Председатель Научного Совета
по присуждению ученых степеней,
д.с/х.н., профессор

Б.Х. Аманов
Ученый секретарь Научного Совета
по присуждению ученых степеней,
д.б.н., с.н.с

Ш. Юнусханов
Председатель Научного семинара при
Научном Совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире сельское хозяйство является одним из отраслей, в наибольшей степени выделяющих парниковые газы в атмосферу и отмечается необходимость оптимизации пользования водой и водными ресурсами в аграрном секторе в целях предотвращения глобального повышения температуры воздуха на $+2^0$C до 2030 года[1]. Парниковые газы, выделяемые в результате деятельности человека, приводят к сохранению тепла в атмосфере и глобальному потеплению, а изменение климата приводит к осадкам, засухе, широкому географическому распространению болезней и вредителей и отрицательно влияет на возможности стабильного развития. Углубление научно-исследовательских работ, направленных на предотвращение этих отрицательных воздействий и разработка мероприятий по сохранению потеряемого урожая является одним из актуальных проблем.

В мировой экономике хлопчатник является важной технической культурой, обеспечивающей сырьем разные отрасли производства. Для получения продукции на уровне требования экономики требуется оптимальная температура, не приводящая к потери урожая. Экстремальная температура отрицательно влияет на физиолого-биохимическую деятельность растения и приводит к снижению в определенной степени урожая и его качества. Изменение температуры воздуха, увеличение число дней с температурой более $+40^0$C и нанесение существенного ущерба на показатели урожайности и качества требуют усовершенствование научно-исследовательских работ на этом направлении, вовлечение в селекционные исследования культурных и рудеральных форм хлопчатника с признаками устойчивости к высоким температурам, изучая их физиологических и биохимических особенностей.

В нашей стране на сегодняшний день проводятся широкомасштабные работы по развитию аграрной отрасли и ускорению сельскохозяйственного производства. На основе проведенных в этом направлении мероприятий достигнуты определенные результаты в хлопководстве по внедрению в селекционные процессы сортов хлопчатника с генетической устойчивостью к воздействиям стрессавых факторов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан [2] определены задачи по «созданию и внедрению новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям». Исходя из этих задач, установление у сортов и линий хлопчатника морфологических, физиологических изменений, происходящих под воздействием высокой температуры, оценка их особенностей устойчивости путем изучения влияния высокой температуры на хозяйственно -ценные

[1] Food and Agriculture Organization.UNO. 2020. Statistics: FAOSTAT agriculture http://fao.org./crop/statistics.

[2]Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему Республики Узбекистан».

признаки, выделение устойчивых сортов и линий хлопчатника и их рекомендация в процессы практической селекции в качестве исходного материала при создании новых сортов хлопчатника с более высокими показателямикачества и урожайности, является актуальной задачей. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением кабинета Министров Республики Узбекистан № 1037 «О прогнозных объемах размещения сортов хлопчатника и выращивания хлопка-сырца в 2019 году» от 22 декабря 2018 г., Постановлением кабинета Министров Республики Узбекистан № 985 «О прогнозных объемах размещения сортов хлопчатника и выращивания хлопка-сырца в 2020 году» от 12 декабря 2019 г., а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

